

Донолик ёшу қарига бирдек ярашади. Донишмандликни излашда ёшнинг ахамияти йўқ. Ахир, кўнгилни соғлом тутишнинг эрта-кечи бўлмайди-ку! Хаётни ўрганиш, фалсафани англашнинг вақти хали етиб келмади ёки ўтиб кетди, дейиш бахтиёрликни бой бериш ё уни кечиктириш билан баробар. Шу сабабли, ёшу қари донишмандликни изламоғи даркор. Ёш бўла туриб ҳам доно бўлиш мумкин. Биз шууримизга бахтиёрлик олиб келадиган иш билан машғул бўлиб, хотиржамликка эришамиз.

Ўлимнинг биз учун хатарли жойи йўқ. Буни тушунишга одатлан. Ўлим биз ўйлаганчалик кўркинчли эмас. Ундан устун келишнинг ягона йўли – мангу хаётга кетишдан олдин умрбоқийликни қўлга киритишдир. Ўлимдан кўркувчи киши нодондир. У жон огригини ўйлаб эмас, ўлим келажак сари тобора жадал илгарилаётгани учун ҳам ундан кўркади. Аслида, ўлим табиатдаги ходиса қаби бир кўринишдан иккинчисига ўтишдек гап. Ўлим биз учун ҳеч нарса. Гап шундаки, биз тирик бўлганимизда у бизга яқинлаша олмайди. У келганида эса биз аллақачон кетиб бўлган бўламиз. Бир вақтлар инсонлар ўлимни энг шафқатсиз иблис деб билишган. Вақти келиб эса ўлим уларга хаётдаги иблислардан қутулишнинг ягона чораси бўлиб кўринган.

Донишманд одам хаётини кадрлайди ва унинг поёнига етишидан у қадар ҳам изтиробга тушмайди. Одамлар мўл-кўл овқатдан кўра, оз бўлса ҳам мазали таомни афзал кўрганлари қаби, донишманд одам ҳам узок эмас, маъноли ҳамда хушвақт умр кечиришни маъқул кўради.

Шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, келажак тамомила бизнинг ихтиёримизда эмас. Унинг келишига қатъий ишониш ёки келмаслигидан ташвишланиб, умидсизлик гирдобига гарк бўлишимиз ярамайди.

Унутмайликки, қучли хошиш кўп ҳолларда чексиз нафратга сабаб бўлади. Қаноат эса хотиржамлик ва бахтиёрликнинг қалитидир. Хошишларимизнинг баъзилари табиий. Баъзилари эса асоссиз. Табиий хошишларимизнинг ҳам маълум қисмигина зарур. Қолганларига эҳтиёж йўқ. Бунинг фаҳмига етиб, уларни ажрата оладиган киши улардан танасини соғлом тутиш ва тафакқурини бойитишда фойдаланади. Бу аснони хаётнинг мазмуни ва умрнинг хайрли давоми деб билади. Биз доимо кўнглимиз ва танамизнинг эҳтиёжини босадиган нарсаларни қидирамиз. Азобланганимиздагина, ҳузур-халоватни истаймиз. Шу сабабли ҳам ҳузурни хаётнинг энг муҳим палласи деб биламиз. У бизнинг энг олий истагимиз бўлиб, ҳар қандай танловнинг, шу билан бирга, нафратнинг асосидир. Ҳузур ҳар қандай нарсага баҳо беришда бош ҳақамдир. Афсуски, ҳузур-халоват ҳамиша ҳам ҳақ бўлавермайди. Аммо, дунёдаги энг улуг ҳузур-халоват қаноатли бўлишдир.

Нон ва сув оч қорин ва қараб кетган лаблар учунгина халоватлидир. Эҳтиёжларини меъёрида ушлаб турган киши ортиқча муаммоларга дуч келмайди.

Ҳузур-халоват – бу танадан оғрикни даф қилиш ва кўнгил безовталигидан ҳалос бўлишдир. У шохона таомлар тортилган тўқин дастурхон эмаслигини ёдимиздан чиқармайлик.

Ҳузур-халоват кўнгилни бесаранжом қилаётган ўй-хаёллардан ҳалос этувчи, бизни улардан ҳимоя қилувчи ҳамда олдимиздаги тўсиқларга асосли илож топувчи идрокдир. Шу сабабли ҳам фазилатлар орасида энг яхшиси мулоҳазакорликдир. Идрок, ифтихор ҳамда адолат фаровон хаётнинг ажралмас бўлагидир.

Мана шу фикрларга суянган одам ўлим кўркувидан батамом ҳалосдир. Бундай одам

яхши нарсаларга ва эзгуликка канчалик тез эришиш мумкинлигини билади ва бунга осон эришади. Шунингдек, иблис кучининг меъёрлари ҳам унга маълум ва у бундан унчалик ҳам хавотирга тушмайди. Баъзилар учун кочиби-кутулиб бўлмайдиган, хукмдор хисобланган такдирни у менсимайди. Сабаби, хаётдаги воқеликларнинг аксарияти эҳтиёж, колганлари тасодиф ва яна бир кисми ўзимиз боис рўй беришидан у яхши хабардор. У эҳтиёжни, масъулиятни емирадиган куч ҳамда уни ўткинчи деб билгани сабаб, унга бўйсунмайди. У нодонларча завку шавкка буркангандан кўра, доно бўлиб, факир холда хаёт кечиришни маъкул кўради.

Сен менинг айтганларимни ёдингда тут. Ўзинг ва сенга ўхшаганлар билан биргаликда, буларга амал кил. Шунда ҳеч қачон: на ўнгингда, на уйқунгда ҳеч нарса сени безовта килмайди.

Инглиз тилидан Шухрат Сатторов таржимаси

Эпикур миллоддан аввалги 341-270 йилларда Афинанинг Самос оролида яшаб ижод этган қадимги юнон файласуфи ҳамда эпикурианизм фалсафа мактабининг асосчиси дир.

Эпикурианизм таълимотига кўра, фалсафа инсонга бахтга эришиш, осуда хаётни кўлга киритиш, тинч ҳамда эркин бўлиш, оғриклардан қутулиш ва қадрдон дўстлар даврасида ўз хаётидан қониқиб яшаши учун йўлланма дир. Эпикурнинг қайд этишича, ҳузур-халоват ва дард эзгулик ҳамда ёвузликни аниқлашдаги ўлчовлар хисобланади. Ўлим тана ҳамда қалб қаракатининг ниҳоясидир. Инсоннинг эришган ютуқлари ёки унинг бошига ёғиладиган қалоларнинг ҳудога даҳли йўқ. Булар инсон қаракатининг оқибатидир. Қорлик – ниҳоясиз ва абадий дир. Оламда содир бўлгувчи воқеалар бўш қондаги атомларнинг ўзаро таъсири ҳамда қаракатига боғлиқ.

Эпикурнинг қарашлари ўша қамон олимларининг у қадар қикқатини қортмаган. Айниқса, Демокрит унинг фикрларига шубҳа билан қараган. Боиси, детерминизм (нарса ва қодисаларнинг сабабий қогланишлари ҳақидаги материалистик таълимот) қорасидаги бир қатор қескин мулоҳазалари Демокритникидан фарқ қилган.

Эпикур асос солган мактаб қикқина бўлса ҳам, бу мактаб қивожи учун у бутун умрини бағишлаган.

Эпикур фалсафаси қамики қхшилиқ ҳамда ёмонлиқ ҳузур-халоват ва азоб туқайли туқиладиган туқгулар боис юзага қелади, деган назарияга асосланади. Ушбу назарияга кўра, ниқаики қхши бўлса, у халоват дир, ниқаики ёмон бўлса, у азобли дир.

Ҳузур-халоват ҳамда азобни Эпикур қхшилиқ ҳамда ёмонлиқ ўртасидаги ахлокий тоқовутнинг асоси, деб хисоблайди. Баъзи бир ўринда ҳузур-халоватдан воз қечиби, азобланишни танлаш, қанада лаззатлироқ ҳузур-халоватга эришишга қизмат қилишини таъқидлайди. Ҳузур-халоват исташ ҳамда излаш орқали ўлим кўрқувдан ҳамда маъбудалар қазосидан қалос бўлиби, хотирқамлиққа эришиш эпикурианизм таълимоти назариясининг асосий қоидаларидан бири дир.

Эпикурнинг ўчтагина қати тўлиқ холда, Диогеннинг “Машқур файласуфлар” асари

хамда Ватикан кутубхонасида сақланаётган қўлёзмалар орқали, шунингдек, унинг папирусга ёзилган “Табиат хусусида” номли асаридан бир нечта парчалар бизгача етиб келган.

Таржимондан